Андижон вилояти «Тоза худуд» ДУК Жалакудук тумани филиали билан маиший ва каттик чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича

## ШАРТНОМА № 1

«20» Январ 2022 йил Жалакудук тумани.

Бизлар ким, биринчи томондан ўз низомига асосланиб фаолият олиб бораётган Жалакудук тумани «Тоза худуд» ДУК филиали рахбари Э.Турдиев (келгусида «Бажарувчи» деб номланувчи) ва иккинчи томондан ўз низомига асосланиб фаолият олиб бораётган Жалакудук туман Тиббиёт бирлашмаси номидан рахбари У. Умаров келгусида «Буюртмачи» деб номланувчи иккинчи томондан шартномани туздик.

## 1. ШАРТНОМАНИ МАЗМУНИ

1.1 «БУЮРТМАЧИ» нинг буюртмасига кўра унинг худудидаги чикинди хонадан каттик ва маиший чикиндиларни махсус полигонга ташиб чикиб кетиш тугрисида «Бажарувчи»га буюртма беради «Бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан берилган буюртмага асосан каттик маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш мажбуриятини олади «Буюртмачи» «Бажарувчи» томонидан кўрсатилган хизмат учун шартномага кўра хак тўлаш мажбуриятини олади.

1.2

| № | Бажариладиган ишлар номи | Ўлчов бирлиги (м3) | Микдори | Нархи | Суммаси (ҚҚС билан) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Маиший чикинди хизмати | м3 | 655,5 | 36 600 | 23991300 |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |
| ЖАМИ: | | | | | 23991300 |

## 2. ШАРТНОМА БАХОСИ

2.1 Шартноманинг умумий бахоси хар ойига 23991300 ( йигирма уч миллион тўққиз юз тўқсон бир минг уч юз сўм ) сўм.

2.2 Хар бир олиб чикиб кетилган ($м^3$) учун 36 600 сўм (ўттиз олти минг олти юз) сўмни ташкил этади.

2.3 Хар бир олиб чикиб кетилган рейс учун 256 200 (икки юз эллик олти минг икки юз )сўмни ташкил этади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1.1 Буюртмачининг хукук ва мажбуриятлари. Чикинди билан боғлик ишларни амалга ошириш сохасидаги белгиланган меъёр коидаларини экология нормативига риоя килиш.

3.1.2 Чикиндиларни рухсат этилмаган жойларда ёки объектларда сакланишини, кайта ишланишини, утилизация ва кўмиб ташланишига йўл кўймаслик чораларини кўради.

3.1.3 Чикиндиларни жойлаштирилган объектларни санитария ва экология холати устидан назорат килади.

3.2 «Бажарувчи»нинг хукук ва мажбуриятлари

3.2.1 «Бажарувчи» маиший чикиндиларни ўз транспорти билан махсус полигонларга ташиб чикаради.

3.2.2 Чикиндиларни ўз вактида олиб чикиб кетилишини таъминлайди.

3.2.3 Кўрсатилган хизмат учун шартномада белгиланган тартибда (аванс) олади ва накд пулларни кабул килади якуний хисоб китобларни амалга оширади.

## 4. ЎЗАРО ХИСОБ КИТОБЛАР ТАРТИБИ

4.1 Чиқинди хонадан чиқиндиларни ташиб чиқариш юзасидан кўрсатилган хизматлар хаққи белгиланган тартибда тасдиқланган «Санитария қоидалари ва меъёрлари»га асосан хисобланади.

4.2 «Буюртмачи» шартномадаги умумий сумманинг 100% туловини олдиндан амалга ошириб тўлаб беради.

## 5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1 Томонлар ўртасида вужудга келган бахслар низолар келишув асосида хал этилади. Агарда келишувга эриш олмаган тақдирда хукукни мухофаза қилиш органлари ёки Иктисодий суд оркали хал қилинади.

## 6. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

6.1 «Бажарувчи» транспорт техника ва иш кучи харажатлари ЁММ (ёқилги мойлари махсулотлари) нархи ўзгариши муносабати билан белгиланган тартибда «Буюртмачи» га ёзма равишда хабар беради.

## 7. ФОРС – МАЖОР

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган холатлар «ёнғин, сув тошқини, шу каби бошқа холатларда хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг қарорлари», агар тегишли хужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

## 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Агарда бир томондан шартларни бажара олмаслиги ёки махсулот сифати миқдори ва суммаси тўғрисидаги ўзгариш бўлса, олдиндан ўзаро келишувга асосан ўзгартириш киритилади.

8.2. Форс можор холатида шартнома бузилса,ўзаро келишиб олинади.

8.3. Шартнома имзоланиб худудий Газначилик бўлинмасидан рўйхатдан (хисобдан) ўтказилгандан сўнг кучга кириб , 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

8.4. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси хам хукук жихатидан тенг кучли хисобланади.

## 9. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

| «БАЖАРУВЧИ» | «БУЮРТМАЧИ» |
|---|---|
| Номи: «Тоза-худуд»ДУК Жалакудук филиали | Номи: Тиббиёт бирлашмаси |
| Манзили: Андижон вилояти Жалакудук тумани | Манзили: Ўзбекистон кўча 2 уй |
| Х/р: 20210000600781763009 | хр: 100022860003211707310105 4001 |
| Банк номи Агробанк | Банк номи: марказий банк ХККМ |
| ИНН:304937910 | ИНН: 200268634 |
| МФО: 00040 | МФО: 00014 |
| ОКНХ: 81290 | ОКНХ: 91511 |
| Филиал рахбари: | |
| ________ Э.Турдиев | ________ У. Умаров |

*Юрист хулосаси:* Шартнома Ўзбекистон Республикаси ... фаолият юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси ўғрисида ... хамда Фукаролик Кодекси талабларига мувофик тузилган деб хисоблайман.

Юрист ________(имзо) ________(ф.и.ш.)

"TOZA HUDUD" DUK JALAQUDUQ ... ANDIJON VILOYATI SHARTNOMALAR UCHUN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI ANDIJON VILOYATI JALAQUDUQ TUMANI TIBBIYOT BIRLASHMASI